

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази



МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ:

АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

фанидан академик лицейлар ва касб-

ҳунар коллежлари учун

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент-2006

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани ўқув дастури олдимишга қўйган олижаноб буюк мақсад - миллий истиқлол ғояларини ҳамда мафкурасини ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида тузилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари учун мўлжалланган мазкур ўқув дастури юқоридаги Фармойишга мувофиқ ташкил этилган Махсус методологик комиссиянинг Экспертлар гуруҳи томонидан маъқулланган.

Ушбу ўқув дастури Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг 2006 йил 13 сентябрдаги 136-сонли буйруғига асосан тегишли ўзгартиришлар киритилди ва академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимида жорий этиш учун тавсия этилди.

Тузувчилар:

М. Лафасов - тарих фанлари номзоди
Қ.Назаров - фалсафа фанлари доктори
М.Қуроноов - педагогика фанлари доктори
Ф.Синдорова - Сирғали политехника КХК олий тоифали ўқитувчиси

Такризчилар:

А.Очилдиев - фалсафа фанлари номзоди
А.Холбеков - фалсафа фанлари номзоди

Кириш сўзи

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий истиқлол ғоясини шакллантириш халқимиз учун жуда муҳим эҳтиёжга айланди. Бу масала ўта долзарб ва катта ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ҳеч бир халқ ғоя ва мафкурасиз ўз мақсадларига эриша олмайди. Мафкура моҳияти, мақсади ва йўналишлари билан жамиятда миллий ғояларни рўёбга чиқаришга ҳамда унинг ҳаётбахш қудратини-амалга оширишга ёрдам беради.

Миллий истиқлол ғояси жамиятимиз ривожининг ғоявий асосларини ўзида мужассам этадиган яхлит таълимот, мамлакатимиз пировард мақсад муддаоларининг ифодаси бўлган назариядир. У республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг маънавий соҳадаги устувор йўналишлари, халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари ва кадриятлари асосида фуқароларимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларга садоқат ва келажакка ишонч туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Ана шу сабабдан ҳам "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг таълим тизимига жорий этилиши мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. У Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғоя-юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимотни ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш вазифасини бажаради.

Бу фан миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, тарихий негизлари, илмий, фалсафий, дунёвий илдизлари, ўзига хос намоён бўлиш қонуниятлари ва хусусиятлари тўғрисида билим беради. Ушбу фанни ўқитишни тўғри ташкил қилиш, бу борада таълим-тарбиянинг анъанавий ва замонавий усулларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»фани ана шу йўналишдаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Бу соҳадаги амалиётни ўрганиш мазкур фанни ўқитишнинг самарадорлигини янада ошириш учун куйидаги асосий талабларга амал қилиш шарт эканлигини кўрсатмоқда:

- ёшлар онгида ғоялар ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш, ўз маъно-моҳиятига кўра ғояларнинг бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақида тўғри билимлар ҳосил қилиш;
- миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақилликнинг муқаддас кадриятлиги, уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканини ўқувчиларнинг қалби ва онгига сингдириш;
- ёшлар орасида миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, таълим-тарбия жараёнида умуминсонийликнинг устуворлиги тамойилларига оғишмай амал қилишга алоҳида эътибор бериш;
- дарс режаларини тузиш ва машғулотларни олиб боришда меъёрларига жиддий аҳамият бериш, бунда ўқувчиларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш;

- айрим тушунчаларни соддалаштириш, таълимнинг эскича услубларини кўллаш натижасида фаннинг кадрсизланишига йўл қўймаслик;
- таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- таълим жараёнида тазйиқ ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътибор қаратиш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамфикрлилик муҳитини шакллантириш, мавзуларни шарҳлашда ҳаётий ва таъсирчан мисоллар, бугунги воқеалар таҳлили ва матбуот материалларидан кенг фойдаланиш;
- мазкур фанни ўқитиш жараёнини мутассил кузатиш, таҳлил қилиш орқали уни илғор технологиялар, методологик тавсиялар ва усуллар асосида такомиллаштириб бориш.

Шуни ҳисобга олиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг миллий истиқлол ғояси тўғрисидаги тушунча ва билимларини, кўникама ва малакаларини шакллантириш ҳамда мустақамлашга қаратилган "Миллий истиқлол ғояси" фанининг тажрибавий ўқув дастури лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Тажрибавий ўқув дастури 2000-2001 ўқув йили иккинчи ярмида тажриба-синовдан ўтказилди. Тажриба-синов майдончалари ўқитувчиларининг фикр мулоҳазалари асосида Дастурга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, қайта ишланди. Дастур тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ёки Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятига юборишларингизни сўраймиз.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва таълим тарбиявий мақсади ва вазифалари»

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва таълим тарбиявий мақсади ва вазифалари» фанининг таълим тарбиявий мақсади: - ўқувчи ёшларни миллий истиқлол ғояси бўйича назарий ва амалий билимлар билан қуроллантириш, ёшларда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш ҳамда ғоявий тарбияни амалга оширишдир.

"Миллий истиқлол ғояси" фани ўз олдида бир қатор вазифаларни мақсад қилиб қўяди. Бу қуйидагилардан иборат:

- умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, ёшларнинг дунёқарашини бойитиш ва келажакка ишонч руҳида тарбиялаш;
- миллий истиқлол ғояларига оид тушунчалар тўғрисида назарий ва амалий билимлар уйғунлигини таъминлаш асосида таълим-тарбия бериш;
- Ватан ва унинг буюк келажакка олдида масъулият, бурч моҳиятини ёшларга теранроқ англатиш;

- мустақилликнинг кадр-қимматини, унинг тарихий аҳамиятини ўқувчилар онгига етказиб, уларнинг ҳаётий фаолиятида намоён бўлишига эришиш.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш ва ўрганишда қуйидаги тамойилларга амал қилинади. Бу тамойиллар - миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат; эркинлик ва бунёдкорлик ғоялари устуворлиги; ватанпарварлик ва инсонпарварлик; бой маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш ва келажак авлодга етказиш; ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари; мамлакатда фуқаролар ва миллатлараро тотувлик; ижтимоий барқарорлик, халқ фаровонлиги ва шу каби бошқа миллий ва умуминсоний ғояларга асосланади.

Бу тамойиллар фаннинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилишида ва уларнинг назарий билимларини бойитишда ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида кўрсатиб ўтилган тамойилларга асосланиб ташкил этиладиган ҳар бир дарс мазмунига миллий истиқлол ғоялари сингдирилса, ўқувчиларнинг ғоявий-мафкуравий тарбияланганлик даражаси ортади. Шу сабабли миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини ўқитиш-давр талабига айланди. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт" ғояси асосида тарбияланган ёшлар элим деб, юртим деб ёниб яшайди, меҳнат қилади, Ватан манфаатини ўз манфаати деб билади.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг мавзулар буйича дарс соатлари тақсимооти

№	Мавзулар	Назарий машғулот	Амалий машғулот
	Кириш. "Миллий истиқлол ғояси" ва уни ўрганишнинг аҳамияти	2	
<i>I. Ғоя ва мафкуралар тарихи</i>			
1	Ғоя ва мафкура тушунчаларнинг моҳияти ва мазмуни	1	1
2	Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари	1	1
3	Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий-тарихий манбалари	2	2
<i>II. XXI аср бошида инсон қалби ва онги учун кураш</i>			
1	Тараққиёт ва ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси	1	1
2	Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари	1	1
<i>III. Ўзбекистоннинг истиқлоли ва мафкуравий муаммолар</i>			
1	Мустақиллик ва Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият	2	-

2	Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада олиб борилаётган ислоҳатлар. Эришилган ютуқлар. (Ўзбекистон тарихи музейи ҳамда вилоятлардаги ўлкашунослик музейларида амалий дарс)	-	2
3	Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ва мафкуравий муаммолар	2	1
4	Зарарли ғоялар ва мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва хушёрлик	2	1
<i>IV. Миллий истиқлол мафкураси ва унинг асосий тамойиллари</i>			
1	Миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти ва мазмуни	1	1
2	Истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари	1	1
3	Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари	1	1
4	Миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари	1	1
<i>V. Ғоявий тарбия ва мафкуравий иммунитет</i>			
1	Ёшларнинг ғоявий дунёқараши ва маънавий фазилятлари	2	2
2	Комил инсонни вояга етказишда мафкуравий тарбия омиллари	2	2
Жами: 40 соат		22	18

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ва уни ўрганишнинг аҳамияти

Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси долзарб ижтимоий зарурат. Мафкуравий муаммоларни ўрганиш давр талаби. "Миллий истиқлол ғояси" фани предмети, мақсади ва вазифалари, уни ўрганишнинг аҳамияти. Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ёшларда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш, уларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга йўналтирилганлиги. Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилиши. Ҳозирги даврда ёшларни ғоявий тарбиялаш ва маънавиятини юксалтириш муаммолари, уларни ҳал этиш вазифалари. Бу жараёнда ижтимоий фанларнинг аҳамияти.

I. Ғоя ва мафкуралар тарихи

1-мавзу: Ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни

Ғоя тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Ғоя ва дунёқараш инсон тафаккури маҳсули. Ғояларнинг шаклланиши ва намоён бўлиш хусусиятлари. Тафаккур, фикр, ғоя, фараз ва назария тушунчалари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқли хусусиятлари.

Мафкура тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Мафкура тушунчасининг таърифи, Мафкура-халқ, миллат, жамият мақсадларини, манфаатларини ва интилишини ўзида акс эттирувчи тизим. Ҳар бир жамиятда мафкуранинг мавжуд бўлиши ижтимоий ҳаётнинг қонуни эканлиги. Мафкура бўлмаса одам, жамият ва давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррарлиги. Мафкура-дунёқараш, ғоялар тизими ва тарбия воситаси.

Ғоя ва мафкура тушунчаларининг ахлоқий, бадиий, диний тушунчалар билан алоқадорлиги. Аждодлар маънавий оламининг авлодлар маънавиятида намоён бўлиш қонунияти. Бу қонуниятнинг улуғвор ғояларни келажак авлод онгига етказишдаги аҳамияти.

Илғор ғоя ва маърифатпарварлик. Маърифат-кенг маънода дунёни билиш ва англаш, ўқиш-ўрганиш, улғайиш, камолотга эришиш жараёни. Эзгу ғоялар ва маърифат жамиятда инсонни улуғвор мақсадлар сари етакловчи куч эканлиги.

Амалий машғулот саволлари:

1. Ғоя ва мафкура тушунчалари моҳияти.
2. Ғояларнинг шаклланиши ва намоён бўлиш хусусиятлари.
3. Мафкура бўлмаса инсон, жамият ва давлат ўз йўлини йўқотиш муқаррарлиги.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". - Т.: "Ўзбекистон", 1996 йил.

2. Каримов И. А. "Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин". - Т.: "Ўзбекистон", 1998 йил.

3. Каримов И. А. "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман".- "Фидокор" газетаси, 2000 йил 8 июнь.

4. Каримов И. А. "Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз". -Т.: "Ўзбекистон", 1999 йил.

5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.

2-мавзу: Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари. Дастлабки мафкуравий тизимларнинг шаклланиши. Афсона ва ривоятлар. Илоҳий кадриятлар (диний) ва дунёвий ёндашувга асосланган мафкуралар. Динлар, диний ғоялар ва мафкуралар. Дунёвий ва диний ғояларнинг муштараклиги моҳияти. Ғояларнинг инсоният тарихида озодлик ва истибдод, маърифат ва жаҳолатга хизмат қилган мафкуралар шаклида намоён бўлиши. Мифологияга асосланган тотемизм, анимизм, фетишизм каби ғоявий тизимлар-мафкура шакллари. Миллий асосдаги мафкура шакллари: хиндуизм, иудаизм, конфуцийлик, синтоизм.

Оламнинг вужудга келиши ва мавжудлик қонуниятларини фалсафий талқин қилиш натижасида пайдо бўлган оқимлар: монизм, дуализм, плюрализм, идеализм ва материализм ва бошқалар.

Даҳрийлик ва унинг оқибатлари. Шовинизм ғоялари. Унинг муайян шахсни ёки миллатни устун қўядиган ақидага айланиши.

Ижтимоий меъёр ва қонун-қоидаларни тан олмасликка даъват этувчи нигилизм.

Тараққиётда ғоя ва мафкураларнинг тарихий такомиллиги. Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари ва кўринишлари. Инсоният тарихий тараққиёти ёки таназзулида ғоя ва мафкураларнинг ўрни. Мафкуравий ва маънавий жараёнларнинг ижтимоий тарихий шарт-шароит билан алоқадорлиги. Қадимги давр маънавияти ва мафкураси. IX-XII асрларда Шарқ Ренессанси (уйғониш) даври, Темур ва темурийлар даври мафкураси. Даврлар алмашинуви ва мафкуралар ўзгариши. Ғоявий заифликнинг миллат бирдамлигига ва давлат қудратига путур етказиши. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорликнинг оқибатлари: Македониялик Искандар ва араб босқини. Чингизийлар истибдоди ва Чор истилоси.

Бунёдкорлик ғоялари, уларнинг моҳияти ва мазмуни, шакллари ва хусусиятлари. Инсоният жамият ва цивилизациялар ривожига таъсир кўрсатган ижтимоий, сиёсий, илмий ғоялар, назариялар, таълимотлар ва мафкуралар. Зардушт, Сократ, Платон, Конфуций, Алишер Навоий ва бошқаларнинг бунёдкор ғоялари. Миллий давлатчилигимиз ёрқин намунаси бўлган Амир Темур давлатининг бунёдкор ғояларга асосланганлиги. Бунёдкорлик ғояси ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг гарови. Миллий истиқлол ғоясининг бунёдкорлик моҳияти.

Вайронкор ғоя ва мафкуралар. Уларнинг моҳияти, хусусиятлари, мақсадлари, ижтимоий жараёнларга салбий таъсири. Ўрта асрлардаги салб юришлари, диний фанатизм, фашизм ва большевизм каби ғайриинсоний ғоялар. Буюк давлатчилик шовинизми, тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, террорчилик каби ёвуз ғоя ва мафкуралар. Уларга қарши кураш зарурлиги. Вайронкор ғоялар ҳукмрон бўлган жойда ижтимоий беқарорликнинг мавжуд

бўлиши. Инсоният бошига қайғу-кулфатлар ва азоб-уқубатлар келтирган ғоялар асосидаги хатолар, фожеалар, урушлар, катағонлар. Тарихда ғоя ва мафкурани мутлақлаштириш оқибатлари.

Амалий машғулот саволлари:

1. Қадимги давр маънавияти ва мафкураси
2. Дастлабки мафкуравий тизимлар
3. Бунёдкорлик ғоялари, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни
4. Вайронкор ғояларнинг инсоният ҳаётига салбий таъсири

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура".-Т.: "Ўзбекистон", 1996 йил.
2. Каримов И.А. "Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз". -Т.: "Ўзбекистон", 1999 йил.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.
4. "Маънавият" юлдузлари. - Т.: "Абдулла Қодирий" номидаги нашриёт, 1999 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. - Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997 йил.
6. "Жалолиддин Мангуберди".- Т.: "Шарқ" нашриёти, 1999 йил.

3-мавзу: Миллий ғоя ва мафкураларнинг фалсафий-тарихий манбалари

Миллий ғоя ва мафкураларнинг тарихий илдизлари. Миллий мафкура озикланадиган манбалар. Халқимизнинг қадимий ва бой тарихи - ибрат ва тарбия манбаи. "Авесто"-Марказий Осиё халқларининг турмуш тарзи, маънавий-хаёти, мафкураси, дунёқараши, ахлоқий фазилатларини ифода этувчи бебаҳо манба. Урхун-Руний ёзма ёдгорлиги. Халқ оғзаки ижоди намуналари. Санъат дурдоналари. Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қахрамонларимизнинг эрк ва хурлик йўлидаги жасорати. Уларнинг ибратли жасоратидан воқиф бўлиш ҳар бир оқил фарзанднинг муқаддас бурчи эканлиги.

Миллий ғоянинг фалсафий асослари - дунёвий билимлар, диний ва илмий қарашлар, миллат фалсафаси, хурфикрлик ва истиқлол дунёқараши, инсонни комилликка етакловчи ғоялар ташкил қилиши. Уларнинг миллий мафкурани шакллантиришга манбавий асос бўлиб хизмат қилиши.

Буюк алломаларнинг жамият тараққиёти тўғрисидаги ғоялари ви маънавий мероси, ундан фахрланиш туйғуси. Умумбашарий тараққиёт ривожига улкан ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг жамият ҳаётида эзгу ғояларнинг ўрни ҳақидаги фикрлари. Аждодларимизнинг озодлик ва хурлик тўғрисидаги ғоялари. Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари. Ал-Форобийнинг адолатли жамият ғояси. Ал-Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. Ибн Синонинг дуализм таълимоти. Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий қарашлари, Ахмад Яссавийнинг пурмаъно ҳикматлари. Тасаввуф фалсафаси. Жаҳидларнинг ғоялари - миллий маънавиятимиз юксаклиги намунаси. Ўзбекистонда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг шаклланиши.

Миллий истиқлол ғоясининг умуминсоний қирралари. Қадимги шарқ, юнон, рим ва бошқа фалсафа мактабларининг мероси. Сократ, Платон, Аристотел, Гегел ва шу каби файласуфларнинг фалсафий-маънавий қарашлари. Гуманистик замонавий фалсафий оқимлар илгари сураётган ғоялар.

Амалий машғулот саволлари:

1. Миллий мафкуранинг тарихий илдизлари
2. Бой тарихимиз-миллий манбалардан бири
3. Аждодларимизнинг маънавий-маданий меросида адолатли жамият қуриш ва комил инсон тарбияси масалалари
4. Истиқлол мафкурасининг умуминсоний асослари ва миллий негизлари

Адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. "Фозил одамлар шахри". -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил.

2. Имом Бухорий "Хадис". 4 жилдлик.-Т.: Қомуслар бош тағририяти, 1992 йил.
3. Абу Райхон Беруний. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар".-Т.: 1968 йил.
4. "Темур тузуклари".-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил.
5. Мирзо Улуғбек. "Тўрт улус тарихи". - Т.: 1996.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -"Мулоқот" журнали, 1998 йил, 5-сон.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.
8. "Маънавият" юлдузлари.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия.-Т.: Қомуслар бош тағририяти, 1997 йил.

II. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш

1-мавзу: Тараққиёт ва ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси

Ҳозирги дунёнинг ғоявий-мафкуравий манзараси. Инсон онги ва қалби учун кураш. Илғор ва тажовузкор ғоялар, мафкуралар, уларнинг инсон онги ва қалбига таъсири. XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви, бу аср охиридаги кўп қутбли дунё. Жаҳондаги мафкуравий манзара ва маънавий муҳитдаги ўзгаришлар. Жаҳонни мафкуравий бўлиб олиш ва ўз таъсирига тортишга уринишлар, Буюк давлатчилик шовинизми, панисломизм, пансоветизм, халифаликни тиклаш сингари зарарли ғоялар моҳияти. Уларга қарши кураш зарурлиги.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашиб бориши. Илмий кашфиётлар, универсал технологиялар ва ахборот тарқалиши глобаллашуви жараёнларининг дунёдаги мафкуравий вазиятга таъсири. Замонавий илм-фан ютуқлари ва уларнинг кишилар тасаввурини кескин ўзгартириши. Илмий-техникавий тараққиёт ва глобаллашув жараёнларининг ақидапарастлик ва жаҳолатга зидлиги.

Амалий машғулот саволлари:

1. Дунёнинг ғоявий-мафкуравий манзараси
2. Жаҳонни мафкуравий бўлиб олишга уринишлар
3. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари".-Т.: "Ўзбекистон", 1997 йил.
2. Каримов И.А. "Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин". - Т.: "Ўзбекистон", 1998 йил.
3. Каримов И.А. "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман".-"Фидокор" газетаси, 2000 йил 8 июн.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.

2-мавзу: Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари

Ҳозирги давр: геосиёсат ва мафкуравий полигонлар. Геосиёсат ва мафкуравий полигон тушунчалари. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Мафкуравий таъсир геосиёсатнинг энг самарали воситасига айланиши. Мафкуравий вазият, мафкуравий кураш, мафкуравий профилактика ва мафкуравий иммунитет масалалари.

Мафкуравий курашларнинг умумбашарий ва минтақавий муаммолари. Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнлар, наркобизнес, экологик танглик, жиноятчилик каби умумбашарий муаммолар. Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш вазифалари. Уларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг фаол иштироки ва мафкуравий барқарорлик борасидаги фаолияти. Хавфсиз дунё - ҳар бир инсон учун олий мақсад. "Ялпи минтақавий хавфсизликдан умумжаҳон хавфсизлиги сари" тамойили.

Марказий Осиёда ёт ва бегона ғоялар, зарарли мафкура, мафкуравий полигонлар ва технологиялар хуружига қарши минтақада куч ва салоҳиятни бирлаштириш зарурияти.

Амалий машғулот саволлари:

1. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг намоён бўлиш хусусиятлари
2. Мафкуравий вазият, мафкуравий курашнинг умумбашарий ва минтақавий муаммолари
3. Минтақада тинчликни сақлашда Ўзбекистоннинг фаол иштироки

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари".-Т.: "Ўзбекистон", 1997 йил.
2. Каримов И.А. "Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин"-Т.: "Ўзбекистон", 1998 йил,
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.

III. Ўзбекистоннинг истиқлоли ва мафкуравий муаммолар

1-мавзу: Мустақиллик ва Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият

Истиқлол ва миллий мафкуранинг шаклланиши зарурати. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари. Уларни рўёбга чиқариш ва эркин демократик фуқаролик жамиятини бунёд этишда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш ҳамда демократик тамойилларга асосланган маънавий муҳитни яратиш. Бу ғояни амалга ошириш ва истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этиш зарурий эҳтиёж эканлиги.

Истиқлол даври иқтисодиёти, маънавияти ва мафкураси, уларнинг ўзаро муносабати. Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони. Жамиятда соғлом турмуш тарзини яратиш йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари. "Соғлом авлод", "Она ва бола" давлат дастурларнинг инсонпарварлик моҳияти.

Ўзбекистоннинг ривожланиши, одилona ташқи сиёсати тўғрисида жаҳондаги ўз мавқеига эга бўлиши ва нуфузининг янада ортиб бориши. Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг улуғланиши, динга муносабат ва эътиқод масалалари, турли конфессиялар фаолияти, уларнинг ҳамжихатлиги таъминланганлиги. Республикамизда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Маънавиятни юксалтириш, ғоявий-мафкуравий соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш, миллий қадриятларни асраш ва муҳофаза қилиш вазифалари.

Янгилаш ва ривожланишнинг маънавий-ахлоқий негизлари. Миллий ғоя ва миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш маънавий соҳадаги ишларнинг туб негизи. Миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш мафкуранинг маънавий соҳадаги асосий вазифаси эканлиги.

XXI асрда ғоявий-мафкуравий соҳадаги ривожланиш истиқболлари. XXI асрда эркин фуқаро жамияти маънавиятини шакллантириш, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш вазифалари.

Амалий машғулот саволлари:

1. Ўзбекистонда бунёд этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари
2. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ортиб бориши
3. Миллий ғоя ва амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади

4. Ғоявий соҳадаги ривожланиш истиқболлари, унда ҳар бир юрт фарзандининг фаол иштироки

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура".-Т.: "Ўзбекистон", 1996 йил.

2. Каримов И.А. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз".-Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.

3. Каримов И.А. "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик".-Т.: "Ўзбекистон", 1993 йил.

4. Каримов И.А. "Адолатли жамият сари".-Т.: "Ўзбекистон", 1998 йил.

5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.

2-мавзу: Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ва мафкуравий муаммолар

Тараққиётнинг ўзбек модели. Бу модел-жамиятни янгилаш ва ислоҳ этишнинг беш тамойилига асосланганлиги. Унинг Ўзбекистон тараққиётини таъминлашда муҳим йўналиш эканлиги. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Ўзгаришлар ва янгиланишларни изчил амалга оширишда давлатнинг ислохотчилик фаолияти. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Миллий ғоя ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши. Миллий ғоянинг миллий манфаатлардан келиб чиқиши ва уни ўзида ифода қилиши. Амалга оширилаётган ислохотларнинг миллий ва умуминсоний асосга қурилганлиги. Туб ўзгаришлар ва халқни мафкуравий қуроллантириш. "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш" тамойилининг моҳияти, унинг ғоявий онглилик кўрсаткичи эканлиги. Ислохотлар жараёнида одамлар тафаккури ва дунёқарашида ўзгаришларни амалга ошириш. Субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатларни бартараф этишнинг миллий истиқлол ғояси билан боғлиқ вазифалари.

Амалий машғулот саволлари:

1. Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада олиб борилаётган ислохотлар. Эришилган ютуқлар.
2. Иқтисодий соҳада:
 - иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришда;
 - хусусийлаштириш жараёнида;
 - хориж сармояларини киритиш асосида амалга оширилган ишлар.
3. Ижтимоий соҳада:
 - оила-маҳалла-таълим муассасаси бирлигининг комил инсонни шакллантиришдаги аҳамияти;
4. Маънавий соҳада:
 - маънавий кадрларнинг тикланиши;
 - ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувликка эришишда миллий-маданий марказларнинг ўрни;
 - фуқароларнинг сиёсий онгини оширишда сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг ўрни;
 - Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли".-Т.: "Ўзбекистон", 1992 йил.
2. Каримов И.А. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз".-Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.

3. Каримов И.А. "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик".-Т.: "Ўзбекистон", 1993 йил.

4. Каримов И.А. "Адолатли жамият сари".Т.: "Ўзбекистон", 1998 йил.

5. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари".-Т.: "Ўзбекистон", 1997 йил.

6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: "Ўзбекистон", 2000 йил.

3-мавзу: Зарарли ғоялар, мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва хушёрлик

Ғоявий-мафкуравий бўшлиқни тўлдириш-давр талаби. Миллатнинг ғоясини йўқотиш, унинг ўзлигини йўқотишга қаратилганлиги. Миллий ғоясини мустақил амалга оширишга йўл берилмаган миллатнинг мутелик ва қарамликка юз тутиши. Миллатларни мутелик ва қарамлик домига тортган собиқ Шўро мустабид мафкурасининг инқирози, унинг халқимиз табиатига ва дунёқарашига ёт бўлганлиги.

Ғоявий-мафкуравий бўшлиқ тушунчаси, унинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари. Миллий манфаатларимизга зид ва бегона бўлган ғояларнинг жамиятимизга таъсирини бартараф этиш муаммолари.

Мафкуравий таҳдидларнинг шакллари ва турлари, уларнинг салбий оқибатлари. Мафкуравий таҳдид тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Экстремизм ва ақидапарастлик тушунчаси. Ақидапарастлик-ғайриинсоний мафкуралардан бири. Турли тарихий даврларда Ғарбда ва Шарқда эзгу ғояларни илгари сурган ақл-заковат соҳибларининг ақидапарастлик таъқибига учраб, жаҳолат қурбони бўлганлиги. Бу ижтимоий иллат-ақидапарастликнинг ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солаётганлиги.

Мафкуравий таҳдидлар мақсади ёшларнинг қалбини эгаллаш, миллатнинг, халқнинг онгига таъсир кўрсатиб, маънавий жиҳатдан тобе қилишга қаратилганлиги. Мафкуравий таҳдид солувчи ғоялар, манбалар, уларнинг имкониятлари ва таъсир доиралари. Жаҳон майдонларини бўлиб олишга уринаётган мафкуравий кучларнинг мавжудлиги. Буюк давлатчилик гегемонизми; диний мансублик; этник бирлик; собиқ ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий бирлик ва шу каби ижтимоий-тарихий омилларга асосланиб дунёга ўз мафкуравий таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган кучлар. Мафкура ва маънавият соҳасида салбий таъсир кўрсатаётган хавф: ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлаётганлиги. Мафкуравий бўшлиқ бўлган жойга ўзга ғояларнинг кириб келиши. Фикр қарамлиги ва тафаккур қуллиги ҳар қандай қарамликдан ҳам даҳшатли эканлиги.

Мафкуравий таҳдидларга қарши огоҳлик ва хушёрлик зарурати. Бузғунчи ғояларга қарши курашга тайёр туриш, мафкуравий таҳдидлардан хушёр ва огоҳ бўлиш - ҳаётнинг зарурати, мустақилликни ҳимоялаш шарти эканлиги.

Амалий машғулот саволлари:

1. Мафкуравий таҳдид шакллари ва турлари
2. Ақидапарастлик-ғайриинсоний мафкуралардан бири, унинг оқибатлари
3. Мафкуравий таҳдид солувчи ғоялар, манбалар, уларнинг имкониятлари ва таъсир доиралари

4. Огоҳлик ва хушёрлик - ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". -Т.: "Ўзбекистон", 1997 йил.

2. Каримов И.А. "Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин". -Т.: "Ўзбекистон", 1998йил.

